



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 10 октябрь, № 214 (8557)

Сешанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МУЗАФФАР СПОРТЧИЛАРИМИЗ ЭЛУ ЮРТИМИЗ АРДОҒИДА



Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтказилган XIX Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз "Тошкент" халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.

Тўрт йилликнинг нуфузли мусобақасида 22 та олтин, 18 та кумуш ва 31 та бронза, жами 71 медалга сазовор бўлган Ўзбекистон ёшлари маҳорат, қатъият ҳамда шижоат бобида ҳеч қимдан кам эмасликларини яна бир қарра исботлаб, дунё аҳлининг ҳайрату ҳавасини уйғотди.

Осиё қитъасининг 45 та давлатидан 11 минг нафар спортчи иштирок этган мусобақаларда гайрат-шижоатли ўғил-қизларимиз Хитой Тайпейи, Бахрайн, Шимолий Корея, Гонконг, Эрон, Индонезия, Қозоғистон, Қатар, Сингапур, Малайзия, Вьетнам, Кувейт вакиллари орта қолдириб, умумжамоа ҳисобида Хитой Халқ Республикаси, Япония, Жанубий Корея ва Хиндистондан кейин фахрли бешинчи ўринни эгаллади. Қолаверса, спортчиларимиз XIX Осиё ўйинларида эришган муваффақияти билан шу пайтгача ўтказилган қитъа ўйинларидаги қўлга киритган натижаларини ҳам янгилади.

тирок этди ва Президентимиз табригини ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, маросимда қатнашган ҳукумат вакиллари, вазирилик, ташкилот мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари, шоирлар, санъаткорлар Осиё ўйинларининг тафсилотлари, спортчиларимиз эришган галабалар хусусида тўқилганини сўзлади. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ғолиб спортчиларимизга бағишланган шеърини ўқиб эшиттирди.

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шариоитларда билим олиши, жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини юзага чиқариш, қалбида она юртга садоқат ҳамда фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида ҳаётга кенг қўламли чора-тадбирлар

татбиқ этилаётир. Хусусан, 2021 йил 5 ноябрда Президентимизнинг "2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтadиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат ижроси доирасида атлетларимизнинг нуфузли мусобақага муносиб ҳозирлик қўришлари учун зарур шарт-шариоитлар яратиб берилди.

Бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик самараси Осиё ўйинларида қўлга киритилган натижаларда ўз ифодасини топти.

Тахлиллар, рақамлар жуда кўп нарсага ойдинлик киритади. Қўлингиз меҳнат, чекилган заҳматларнинг аҳамиятини ифодалайди. Биз Ханчжоуда ўтказилган мусобақа якунлари бўйича ана шундай қиёсларни бир неча бор келтир-

дик. Бироқ мана шундай қувончли дамларда айрим далилларга яна бир қарра тўқталиб ўтсак, фойдадан холи бўлмас. Маълумки, бу галги Осиё ўйинларида 45 давлатдан 11 минг нафар спортчи қатнашган бўлса, 27 мамлакат вакиллари олтин медалларни қўлга киритиш насиб этди. Қолаверса, мусобақа дастуридан ўрин олган кўпга спорт турлари бўйича келгуси йили Парижда ўтказиладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари йўланмалари учун ҳам қўраш борди. Айни шу жиҳат ҳам ҳар бир беллашувни ўта мурасасиз курашлар остида ўтишини таъминлади. Ана шундай кучли рақобат кузатиладиган бахсларда вакилларимиз бор маҳорат ва имкониятини ишга солиб, юксак ўринларни қўлга киритгани ҳар бир юртдошимизга чекисиз фахр ва ифтихор туйғуларини бахш этди. ➡ 4

Ифтихор

9 октябрь куни Ислам Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропортида музаффар спортчиларимизни кутиб олиш, улкан галаба билан муборакбод этиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Осиё ўйинлари совриндорларининг ота-оналари,

яқинлари, дўстлари, қолаверса, республикаимизнинг турли вилоятларидан келган кексаю ёш жам бўлди.

"Uzbekistan Airways" АЖнинг спортчиларимизни бағрига олган махсус авиалайнери Тошкентга етиб келгани эълон қилинади. Осиё ўйинларида Ўзбекистон номини янада улуглашга ҳисса қўшган атлетларимиз давлат

тимиз байроғини баланд кўтарган ҳолда она Ватан заминига қадам қўяди. Карнай-сурнай садолари янгради. Уларга гуллар тақдим этилди.

XIX Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини улуглаган спорт делегациясини тантанали кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов иш-

БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ

Ўзбекистон Президентининг кўшни давлатлар томонидан қўллаб-қувватланаётган ташаббуслари туфайли Марказий Осиё «бешлиги» жаҳон сиёсатининг мустақил субъекти мақомига эга бўлмоқда.

Қўллаб-қувватловнинг таъқиротчи ва сиёсатшунослари минтақавий интеграциянинг самарали формуласини ишлаб чиқиш устида бир неча ўн йиллар давомида бош қотириб келишмоқда. Улар ўрганаётган объектнинг асосий мураккаблиги шундаки, сиёсий ва иқтисодий воқеликлар ҳамма ҳам ўзгариб туради. Сўнгги бир неча йилда геосиёсий вазиятнинг ўзгаришчанлиги касб этгани бу жараёнларни яна ҳам тезлаштирди. Демак, олимларнинг йиллар давомида тўплаган назарий билимлари ва амалий тажрибаси бирданига ўз долзарблигини йўқотиб, меҳнатлари чиппака чиқиши ҳам ҳеч гап эмас.



Таҳлил

Мазкур йўналишда катта ютуққа эришган тадқиқотчилардан бири венгриялик иқтисодчи Бела Балашша ҳисобланади. У интеграциянинг оддий шаклдан мураккабга қараб эволюцион тарзда ривожланиши ҳақидаги таълимотини ишлаб чиқди. Унинг саъй-ҳаракатлари натижаси олимлар, айниқса, дунёда энг йирик интеграциявий бирлашма —

Европа Иттифоқининг тузилмаси ва шаклланишини ўрганадиган тадқиқотчилар учун қўлай восита бўлди. Яъни бу олимлар мамлакатлар ўртасидаги савдо, божхона тартиб-таомиллари, умумий бозорни шакллантириш ва бошқа механизмларни соддалаштириш орқали уларнинг бир-бирига яқинлашуви жараёнларини башорат қила олади.

Халқаро муносабатлар соҳасидаги бошқа тадқиқотчилар сингари Б. Балашша учун ҳам энди вужудга келаётган Евроиттифоқ анча вақт мобайнида тадқиқотнинг асосий объекти бўлиб хизмат қилди. Лекин энди бизнинг давримизга келиб, мутахассисларнинг диққатини жалб этаётган феномен айнан Марказий Осиё бўлди. Экспертларнинг

яқдил фикрича, ушбу минтақадаги яқинлашув жараёнлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари билан бошланди. Бу ташаббуслар тарихий ва замонавий реаликни акс эттиргани учун ҳам минтақавий "бешлик"нинг бошқа мамлакатлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. ➡ 3

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК — МУНОСИБ МЕҲНАТ ГАРОВИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 7 октябрь — Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни муносабати билан "Ижтимоий шериклик — муносиб меҳнат гаровидир!" мавзuida видеоконференцалоқа форматида семинар ўтказилди.

Семинар

Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси ташаббуси билан дунё мамлакатларида нишонланадиган мазкур тадбирда Олий Мажлис Сенати вакиллари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси экспертлари, бир қатор манфаатдор вазирилик ва идоралар, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашлари мутасаддилари, пахтачиликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича ўтказиладиган миллий мониторингнинг ҳудудий ишчи гуруҳлари аъзолари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти

ташаббуси билан турли соҳаларда бўлганидек, ижтимоий-меҳнат муносабатлари йўналишида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунга ёрқин мисол сифатида 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш йўли билан янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини халқаро стандартларга мос ҳамюлашга қаратилган янги Меҳнат кодекси қабул қилинганини келтириш мумкин.

Мазкур қонун ҳужжатларида инсон қадрини ҳамда ҳуқуқларини янада кенгроқ қамраб олиниб, мустаҳкамланди. Хусусан, янги Меҳнат кодексига ижтимоий шериклик тамойилларига кўра кўпга масалалар амалиётга жорий этилишидан олдин Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама республика комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқланиши белгилаб қўйилди. ➡ 4

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ: МИЛЛИЙ ВА ГЛОБАЛ МУАММОЛАР



Шу йилнинг 13-14 октябрь кунлари Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Биокимё институтида БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда V халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Халқаро анжуман

Маълумки, кейинги йилларда озиқ-овқат хавфсизлиги жаҳон ҳамжамияти олдидаги энг долзарб масалалардан бири сифатида кенг қулоч очди, иқлимнинг кескин ўзгариши натижасида рўй бераётган табиий офатлар, сув тақчиллиги, қуруқчилик каби омиллар таъсири вазият янада мураккаблаши-

шига олиб келмоқда. Натижада жаҳон бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилиши тенденцияси кузатишмоқда. Бу эса соҳани янги инновацион тенденциялар ва технологиялар ҳамда илмий ютуқларни қўллаш орқали янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. ➡ 4

Учрашув

АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Регина Де Доминицис билан учрашди.



Учрашувда Ўзбекистон ва ЮНИСЕФ ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари кўриб чиқилди, алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг БМТ институтлари, хусусан, ЮНИСЕФ билан муносабатлари фаоллашгани, мамлакатимизда қатор йирик қўшма тадбир ва лойиҳалар амалга оширилаётгани, болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларнинг сифатли таълим-тарбия олиши учун яратилаётган шарт-шариоит самарасини таъминлашда тузилма ўрни алоҳида экани қайд этилди.

лиқни кучайтириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Таълим, инклюзив таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларининг ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллаштириш борасида ҳам фикр алмашилди.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида мультииндикатор кластер кузатувлари (MICS)ни ўтказиш қамрови янада кенгайтириш ҳамда ушбу тадқиқотга мутасадди давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини янада кенг жалб қилиш юзасидан саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга келишилди. Айни чоғда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ижро этиш бўйича миллий ҳаракатлар режасини яқин фурсатда қабул қилиш зарурати ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот давомида перинатал саломатлик, болалар ўсиши ҳамда ривожланиши ҳолатини ўрганишга оид 2024-2025 йилларда Озиқланиш бўйича иккинчи миллий тадқиқотни ўтказиш, болаларда ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволанган самардорлигини ошириш, шунингдек, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизimini такомиллаштириш борасида амалий ҳамкор-

ликни кучайтириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Таълим, инклюзив таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларининг ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллаштириш борасида ҳам фикр алмашилди.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида мультииндикатор кластер кузатувлари (MICS)ни ўтказиш қамрови янада кенгайтириш ҳамда ушбу тадқиқотга мутасадди давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини янада кенг жалб қилиш юзасидан саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга келишилди. Айни чоғда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ижро этиш бўйича миллий ҳаракатлар режасини яқин фурсатда қабул қилиш зарурати ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида

ТАЪСИРЧАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИгини ТАЪМИНЛАМОҚДА

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери, унинг ўринбосарлари, қўйи палатанинг бир гуруҳ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда жойларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик қўриш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганишда, уларнинг натижалари эса халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари сессияларида муҳокама қилинаётир. Мазкур сессиялар ҳақидаги маълумотлар газетамизда ҳам батафсил ёритиб борилмоқда.

Сессияларда иштирок этган маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

унумли ва самарали фойдаланиш масалалари алоҳида эътибор қаратилаётир. Соҳага маблағлар ажратилишти, жойларда бу ишларни самарали ташкил этиш учун шарт-шариоитлар яратилмоқда.

Маъруф ОЛИМОВ, халқ депутатлари Гиждувон тумани Кенгаши депутати (Бухоро вилояти):

— Сайловчилар билан бўлган учрашувлар натижасидан келиб чиқиб, туман Кенгаши сессияси кун тартибига куз-қиш мавсумига тайёргарлик қўриш масаласини киритдик.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда Президентимиз томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик қўриш, муқобил энергиядан

Сессияда соҳада қилинган ишлар юзасидан туман ҳокимининг ҳисоботини эшитдик. Бунда, аввало, куз-қиш мавсумида ижтимоий ташкилотларнинг муаммосиз фаолият олиб бориши учун қандай ишлар қилинаётганлиги эътибор қаратдик. Тумандаги масъул идоралар раҳбарлари ҳам депутатлар саволларига жавоб беришларига тўғри келди. ➡ 2

Биз ва жаҳон

ЭРОН БИЛАН САЙЁҲЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Эроннинг Ардабил шаҳрида ўтказилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)га аъзо давлатлар туризм вазирларининг 5-йигилишида Ўзбекистоннинг Эрондаги элчиси Баҳодир Абдуллаев бошчилигидаги делегация иштирок этди.

Тадбир якуни бўйича Ардабил декларацияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда 2022 йил 13 декабрь кунини Ўзбекистон раислигида ўтказилган ИХТга аъзо давлатлар туризм вазирларининг 4-йигилиши ва унинг доирасида имзоланган "ИХТ минтақасида COVID-19 пандемиясидан кейин туризм соҳасини жадал тиклаш, хавфсиз ва барқарор ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" ижросининг ижобий натижалари қайд этилгани баробарида мамлакатимизда жойлашган Шаҳрисабз шаҳри 2024 йилда ИХТ туризм пойтахти, деб эълон қилинган эътироф этилди.

даражадаги мулоқотларда эришилган келишувларнинг ижроси юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Мулоқот чоғида Ардабил ва Шаҳрисабз ўртасидаги муштарак тарихий алоқалар қайд этилар экан, ушбу икки шаҳар ўртасида биродарлашув алоқаларини ўрнатилиши ҳамда иқтисодий, туризм ва маданий алоқаларни ривожлантириш тақлифи илгари сурилди. Ўзбекистон вилоятлари ва Ардабил шаҳри ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни амалга ошириш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Шунингдек, "Rahan Sazeh Consulting Engineers" олма кўприклар қуриш ва "Proheal" доривор ўсимликлар ҳамда сайёҳлик йўналишидаги "ALMA Tour & Travel", "Maral Tours", "Ershad Hotel & Hydrotherapy" каби компаниялар раҳбарлари ҳамда Ардабил сайёҳлик агентликлари уюشمаси раиси билан икки томонлама учрашувлар ўтказилди.

Учрашувлар чоғида Эроннинг туризм соҳаси вакиллари 2023 йил 16 — 20 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтказилган Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO)нинг 25-сессиясидаги муносабатлар юксак даражада кўтарилгани, барча соҳада фаол, очиқ ва ишончли мулоқот қузатилаётгани қайд этилди.

Шунингдек, йигилишларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор муҳим қонун лойиҳалари атрофида муҳокама қилинди.

«Дунё» АА. Техрон

«ЙЎЛ ХАРИТАЛАРИ»ДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ҚАНДАЙ ИЖРО ҚИЛИНМОҚДА?

Кунини кеча Фарғона вилоятида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг сайёр мажлиси ўтказилди. Унда вилоятнинг туман ва шаҳарлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш "йўл хариталари" доирасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Сенатор ва ҳаёт

Таъкидланганидек, вилоятда жорий йилнинг ўтган 9 ойида иқтисодий ўсишни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини даражадаги мулоқотларда эришилган келишувларнинг ижроси юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Мулоқот чоғида Ардабил ва Шаҳрисабз ўртасидаги муштарак тарихий алоқалар қайд этилар экан, ушбу икки шаҳар ўртасида биродарлашув алоқаларини ўрнатилиши ҳамда иқтисодий, туризм ва маданий алоқаларни ривожлантириш тақлифи илгари сурилди. Ўзбекистон вилоятлари ва Ардабил шаҳри ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни амалга ошириш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Шунингдек, "Rahan Sazeh Consulting Engineers" олма кўприклар қуриш ва "Proheal" доривор ўсимликлар ҳамда сайёҳлик йўналишидаги "ALMA Tour & Travel", "Maral Tours", "Ershad Hotel & Hydrotherapy" каби компаниялар раҳбарлари ҳамда Ардабил сайёҳлик агентликлари уюشمаси раиси билан икки томонлама учрашувлар ўтказилди.

Учрашувлар чоғида Эроннинг туризм соҳаси вакиллари 2023 йил 16 — 20 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтказилган Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO)нинг 25-сессиясидаги муносабатлар юксак даражада кўтарилгани, барча соҳада фаол, очиқ ва ишончли мулоқот қузатилаётгани қайд этилди.

Шунингдек, йигилишларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор муҳим қонун лойиҳалари атрофида муҳокама қилинди.

дан ортиқ кишиларнинг доимий ва мавсумий ишлардаги бандлиги таъминланган.

Маҳаллабай ишлаш тизими асосида ҳоким ёрдамчилари кўмағида 4,5 мингдан зиёд микролойиҳалар ишлаб чиқилган. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 34,4 мингдан зиёд лойиҳалар учун 623,7 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилган.

"Аёллар дафтари"даги ижтимоий химояга муҳтож 105,1 миң нафар хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда 107,5 фоизга ўсиши таъминланган. Худудий қорхоналар томонидан 515,4 млн. доллар саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорт қилиниб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 102,3 фоизни ташкил этган. Йил бошидан бери қўшимча 200 та қорхона маҳсулот экспортга жалб қилинган.

Хизмат кўрсатиш йўналишида 2100 дан зиёд янги, шу жумладан, махсус хизмат кўрсатиш кўчаларига айланган марказий марказий кўчаларда 103 та савдо ва сервис объекти очилган. Инвестиция дастурлари доирасида 328,5 млн. доллар маблағ ўзлаштирилиши ҳисобига 805 та лойиҳа ишга туширилган. Иқтисодий фаолликнинг ошиши натижасида қарийб 6 миңга яқин янги кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этилган ва фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони 34 миңдан ошган.

Мажлисда сенаторлар томонидан аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, худудий бандлик дастури ижроси доирасида 530 миң-

вожлантириш дастурлари доирасидаги муаммолари кредитлар ҳажми йил бошидагига нисбатан 14,8 фоизга ошган.

Олтириқ, Кува ва Тошлоқ туманлари ҳамда Кувасой шаҳри маҳаллаларида саноат, хунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик йўналишларида микромарказлар ташкил қилинмаган.

Кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳамда йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича айрим объектларда сусткашликка йўл қўйилган. Жумладан, жорий йил май ойида топширилиши режалаштирилган Ўзбекистон туманидаги кичик саноат зонаси ва Ёзёвон туманидаги ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида ичимлик суви тармоғини қуриш ишлари бор-йўғи 30 фоизга бажарилган. Бўш турган биноларга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган, аукцион савдоларига чиқарилган давлат активларини сотиш кўрсаткичи айрим худудларда жуда паст.

Мажлисда Фарғона вилояти худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, шу жумладан, имтиёзлар ва преференциялардан самарали фойдаланишга қаратилган қатор тақлифлар билдирилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида "Йўл харитаси"да белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни ўрганиш ва сессияларда муҳокама қилиш ҳамда ижросини таъминлашда маъсулиятсизликка йўл қўйган мутасаддиларга нисбатан таъсирчан чоралар қўллаш масаласини кўриб чиқиш каби тавсиялар берилди.

Мажлисда муҳокама қилинган масала юзасидан Сенат Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ТАЪСИРЧАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИгини ТАЪМИНЛАМОҚДА

Туманнинг олис ва боғиш қийин бўлган худудларини кўмир ва суёлтирилган газ билан узлуқсиз таъминлашда узлишларга йўл қўйилаётгани танқид остига олинди. Шундан келиб чиқиб, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш юзасидан манзилли тадбирларни белгилаш, улар амалга оширилишини таъминлаш бўйича ҳоким олдига алоҳида масала қўйиди.

Сессияга тайёрлик кўриш ва уни ўтказишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари яқиндан ёрдам берди. Биз бундан миннатдормиз.

ШАҲЛО РИЗОКУЛОВА, халқ депутати Навбахор тумани Кенгаши депутати (Навоий вилояти):

— Мамлакатимизда эришляётган улкан ютуқ ва марралар, халқимиз онгу тафаккурида рўй бераётган ўзгаришлар, юрдошларимизда дахлдорлик туйғуси кучайиб, фуқаролик позицияси тобора юксалиб бораётгани Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасидир.

Бинобарин, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам ҳаёт олдимишга қўяётган донзарб масалалар ечимини қонуний ҳал этиш билан боғлиқ тақлифларни илгари суриши лозим.

Шу маънода, куз-қиш мавсумига тайёрлик кўриш бўйича қилинаётган ишлар маҳаллий Кенгаш депутатлари муҳокамасига олиб чиқилгани — бу ижобий ҳолат. Бу борада туманимизда ҳам салмоқли ишлар бажарилган. 20 та ижтимоий соҳа объектидаги иситиш тизимлари илк марта да давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектига берилгани эътиборга молик. Ва биз, депутатлар бу амалиётни маъқулладик.

Шу билан бирга, туман ҳокимлиги ва мутасадди идораларнинг бу тизим бўйича маъсулияти масаласи билан

қизиқдик ва уларнинг фикрларини олдик. Умуман, депутатларнинг маъсулияти ва фаоллиги ошаётгани эътиборга молик.

Норбой ШОМУРОДОВ, халқ депутати Жарқўрган тумани Кенгаши депутати (Сурхондарё вилояти):

— "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга асосан халқ депутатлари Кенгашига бир қатор ваколатлар юклатилган. Лекин маҳаллий Кенгашлар депутатлари бу ваколатларни қандай бажармоқда?

Демак, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам ўз маъсулиятини англаб, туман аҳолисини безовта қилаётган ҳар қандай масалани ҳал этиши лозим. Шу жиҳатдан, бугунги сессияда депутатларимиз бу ваколатидан фойдалана олди, десак, муболага бўлмайд.

Аҳолидан келиб тўшаётган муносабатларни таҳлил қилишдан бўлсак, уларнинг аксариятини электр, газ, сув таъминоти билан боғлиқ масалалар ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, сессияда ушбу масалалар бўйича туман ҳокимининг ҳисоботини эшитдик.

Куз-қиш мавсумига тайёрлик кўриш мақсадида туманда 136,6 км. электр узатиш тармоқлари, 64 дона трансформатор пункти мукамал таъмирлангани айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, ҳоким мавжуд муаммоларни ҳам гапириб ўтди. Республика ва вилоят даражасида ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят Кенгаши депутатлари ўз назоратига олди.

Қурувчи бўлганим боис келгуси сессия йигилишларида шу соҳага оид масаланинг муҳокама қилинишини тақлиф этдим.

«Халқ сўзи».

Конунчилик палатаси фракцияларида

ФАОЛ, ОЧИҚ ВА ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йигилишлари бўлиб ўтди. Уларда дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 5 — 7 октябрь кунлари Россия Федерациясига ташрифининг аҳамиятига эътибор қаратилиб, охириги йилларда икки давлат ўртасидаги муносабатлар юксак даражада кўтарилгани, барча соҳада фаол, очиқ ва ишончли мулоқот қузатилаётгани қайд этилди.

Шунингдек, йигилишларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор муҳим қонун лойиҳалари атрофида муҳокама қилинди.

Давлат хизматларини кўрсатишда бюрократик тўсиқлар янада қисқаради

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари ўз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг деярли барча тармоғини қамраб олган ҳолда, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек, давлатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчиликка асосланган юқори даражадаги икки томонлама муносабатларни сақлаб қолиш тарафлари эканини қайд этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Россия муносабатлари янги уфқлар сари кенгаймоқда, — дейди ЎзЛиДеп фракцияси раҳбари Ақтам Ҳайтов. — Президентимизнинг Россияга ташрифи жуда самарали бўлиб, ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосидаги шерикликка янги суръат бахш этади ва истиқболда икки мамлакат ўртасида алоқаларни янада кенгайтиради. Ташриф доирасида эришилган натижалар ва қўллаб ҳужжатлар имзолангани шундан далолат беради.

Йигилишда "Давлат хизматларини кўрсатишда бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тизими босқичма-босқич ислох қилиниб, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, республика ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа давлат ташкилотларида эскирган бюрократик тартиботлар, шу

жумладан, электрон тизим орқали олиш имконияти мавжуд бўлган маълумотларни қоғоз кўринишида ҳамда иш фаолиятини ташкил этиш учун муҳим бўлмаган ҳужжатларни сўраш тартиботлари бекор қилинди.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат хизматларини кўрсатиш тизимини тартибга солиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда уларга қўшимча қулайликлар яратиш бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган нормаларни айрим қонун ҳужжатлари билан бирхиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзоқ давом этган савол-жавоб ва тортишувлардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар янги таҳрирдаги Конституцияга мослаштирилмоқда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йигилишида "Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормаларини сўзсиз ва тўлиқ амалга оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Бош қомусимиздан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг 27 ва 29-бандлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Конституцияси мамлакатнинг бутун худудига олий юридик кучга эга экани, тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этишига оид нормалар ҳам амалдаги қонунчиликка киритилмоқда.

Қонун ташаббускорлари ушбу масала юзасидан МДХ давлатларининг



қонунчилиги ўрганилгани, таҳлил натижалари ушбу давлатлар конституцияларида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг 15 ва 20-моддаларида белгиланган нормалар ўз аксини топганини қайд этдилар.

Уларнинг айтишича, тақлиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштирилади.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг долзарблиги, айна чоғда, зарурлигини эътиборга олиб, уни янада такомиллаштириш бўйича партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўз фикр-мулохазаларини, тақлифларини билдирдилар. Савол-жавоб ва мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Сайлов округлари бир мандатли ва ягона сайлов округларига ажратилмоқда

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йигилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш мақсадида парламент ҳамда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомил-

лоийҳасининг долзарблигини, берилган тақлифлар инobatга олинганини ҳисобга олиб, уни маъқулладилар.

Энди депутатлар сайлови мажоритар ва пропорционал тизими асосида ўтказилади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йигилишида фракция аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, Конституциявий қонун лойиҳаси билан Сайлов кодекси ҳамда 7 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, Сайлов кодексида Қонунчилик палатаси сайловини аранлаш (мажоритар, пропорционал) сайлов тизими асосида ўтказиш тартибини киритиш тақлиф этилмоқда.

Шунда сайлов округлари бир мандатли ва ягона сайлов округларига ажратилмоқда. Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати мажоритар сайлов тизими асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари пропорционал сайлов тизими асосида, яъни сиёсий партияларга берилган овозлар бўйича ягона сайлов округидан сайланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси аъзолари сонини камида ўн беш нафардан тўққиз нафарга тушириш, унинг камида бир нафар аъзоси Қорақалпоғистон вакили бўлиши акс этмоқда. Шу билан бирга, туман, шаҳар сайлов комиссияларининг ваколатларини белгиловчи янги нормалар киритилмоқда.

Депутатлар Конституциявий қонун лойиҳасини муҳокама қилар экан, тақлиф этилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар, биринчи навбатда, янги таҳрирдаги Конституцияимизни амалиётга тўғри жорий этишга хизмат қилиши ва бу орқали қатор қонунчилик меъёрлари мувофиқлаштирилишини таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари корпусини шакллантиришнинг мажоритар-пропорционал шаклига асосланган сайлов тизими жорий этилишининг ҳуқуқий асослари яратилиши алоҳида қайд қилинди. Мажоритар-пропорци-

онал шакл тизимига ўтиш давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялашда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Тақлиф ва фикр-мулохазалардан сўнг Конституциявий қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги муносабатлар мустақамланади

Ўзбекистон Экология партияси фракцияси аъзолари томонидан "Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормаларини сўзсиз ва тўлиқ амалга оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар негизини ташкил этувчи "Инсон қадрини" қонун ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган "Инсон — жамият — давлат" деган ёндашув янги таҳрирдаги Конституцияимизнинг мазмунига чуқур сингдирилди. Мамлакатимиз ҳаётида инсон қадр-қиммати, шаъни ва гурури барча соҳада биринчи ўринда туриши олий даражада ўзифодасини топди.

Шу нуқтага назардан, фракция йигилишида депутатлар томонидан мазкур қонун лойиҳаси билан киритилаётган ўзгартиришлар мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши, инсон ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддият ва ноаниқликларнинг инсон фойдасига талқин этилиши бугунги кундаги жадал ислохотлар жараёнида долзарб аҳамиятга эгалиги қайд этиб ўтилди. Халқ вакиллари томонидан муҳокамаларда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди ҳамда лойиҳа қўллаб-қувватланди.

Фракциялар йигилишларида кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам атрофида кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ



БОШ РОЛЛАРГА ҚАЙТИШ

Хозир 2023 йил. Давлатимиз фуқаролари Тожикистонга шахсий автомобиллари ёки чегараолди автобусларида осонгина бориб келиши оддий ҳолатга айланди. Бунга эса кўп ҳам бўлгани йўқ. Рулда ўтиригуниз келмайтими — марҳамат, Душанбега самолётда учинг. Қирғизистонга-чи? У ерга бориш учун энди хорижий паспорт бўлиши шарт эмас: ID картанинг ўзи етарли.

Мана шундай тартиб доим мавжуд бўлгандай тасаввур шаклланади. Аслида-чи? Қўшни давлатлар ўртасидаги муносабатлар устига “қора чирик” тортилган эди. Чегарадан ўтишни оддий тартибга ўрнига, олиш амалда қийин бўлган “виза”лар жорий этилганди. Дўстона йўллар ўрнига эса — миналанган ҳудудлар... Ҳатто умумий масалалар бўйича мулоқот ўрнатилган ҳаракат қилиш ҳам жуда мураккаб иш эди.

Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёнинг сиёсий харитасини тубдан ўзгаришига бел боғлади. Тарихан қисқа мuddат ичида Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиёда минтақавий барқарорлик ва ҳамкорликни мустақамлаш масаласида етакчи ислохотчи мақомига эга бўлди. Унинг ташаббуси билан давлат чегаралари, транспорт йўлаклари ва сувдан фойдаланиш масалаларига боғлиқ бўлган кўп йиллик ихтилофларни бартараф қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Бу эса минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилляпти. Натихада савдо ҳамжи сезиларли даражада ошди, қўшма корхоналар сони бир неча баробарга кўпайди. Бундай ёндашув Марказий Осиёни Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасидаги иқтисодий тараққиёт ҳамда транспорт алоқаси марказига айлантирди.

Яқинда Душанбеда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашувида минтақавий “бешлик” давлатларнинг раҳбарлари биргаликда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилишди. Тўғри, алоҳида мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда айрим мураккаб жиҳатлар ҳали сақланиб келмоқда. Лекин Тожикистон пойтахтида музокаралар столи атрофида йиғилган вакиллар ўз давлатлари ва умуман, минтақа давлатлари учун муҳим бўлган масалалар бўйича мулоқотга, ҳамкорликка тайёр эканликларини намойиш этишди.

Минтақа мамлакатлари ривожиди йилдан-йилга умумий масалалар вужудга келмоқда. Бундан ташқари республикаларимиз стратегик йўналишлари ўхшашлиги, муштараклигини намойиш қилмоқдалар. Финляндиядаги йирик бизнес бирлашмасининг нуфузли наشري бўлган “EastCham — Finland” қайд этилишича, Марказий Осиё мамлакатларини бирлаштириб турадиган омил — иқтисодиётни диверсификациялаш бўйича ислохотларни рўйбга чиқаришга бўлган интилиш ҳамда тadbirkorларга хайрихоҳлик. Бу эса уларнинг ҳар бирида ҳам, умумий майдонда ҳам инвестициявий жозибдорлигини оширади.

Кейинги йилларнинг ўзида минтақа мамлакатларининг ўзаро инвестициялари ҳажми деярли 6 бараварга, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар оқими эса 45 фоизга ортди. Ўзбекистон Президенти Маслаҳат учрашувидаги ўз нутқида айтиб ўтганидек, минтақа мамлакатларининг умумий ички маҳсулоти 40 фоизга кўпайди. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги савдо алоқалари ортиши кузатилмоқда. Товар айланмаси 2,5 баробардан зиёд ошди. Бундан ташқари, ички минтақавий туризм кўрсаткичлари деярли 2 баробар ортди.

Шубҳасиз, иқтисодиёт Марказий Осиё тараққиётининг муҳим барометри бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатларнинг муваффақиятли интеграциясига мисоллар кўп. Дейлик, ўз

вақтида бир неча мамлакатни қудратли ягона иқтисодий блокка бирлаштирган Европа Иттифоқи, шунингдек, самарали саноат кооперацияси марказларидан бирига айланган Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси муваффақиятли интеграцияга яққол мисол бўла олади. АСЕАН доирасида ташкил этилган саноат кластерлари ички савдонинг ўсишига, иқтисодий барқарорликка, бизнес учун тўсиқларнинг пасайишига олиб келдики, бу, ўз навбатида, минглаб иш ўринларининг яратилишига сабаб бўлди. Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган бирлашмалар доирасидаги интеграция ўз иштаракчиларига ҳақон бозорида яхшироқ рақобат қилишга ёрдам берган.

Хўш, биз-чи, улардан қаеримиз кам? Ҳеч қаеримиз кам эмас. Ўзбекистон авваллари Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Озарбайжон билан автомобиллар, машиий техника, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича кооперацияни йўлга қўйган. Яна ўғитлар, полимерлар, металл буюмлар ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги техникаларини йиғиш, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариши кенгайтириш ва учинчи давлатларга экспорт қилишни кўзда тутмоқда. Яъни жараён йўлга қўйилган. Энди уни жадаллаштириш муҳим.

Юқорида номи келтирилган тадқиқотчи Бела Балашанинг китобларида мамлакатлар ўртасида эркин савдо зонасини шакллантириш интеграция жараёнларининг асосий босқичи сифатида кўрсатилган. Ана шу ўз аҳамиятини намойиш этган илмий моделга таянган ҳолда, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам Марказий Осиёда тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш ташаббуси билан чиқди. Унинг доирасида божхона маъмуричилиги, санитар ва фитосанитар назорати, товарларни сертификатлаш бўйича ягона электрон платформалар яратиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон етакчиси бошқа долзарб масалаларни ҳам кўтарди. Масалан, юқларни ташиш учун кетадиган ҳаракатлар улуши товарларнинг сўнги қиймати-га нисбатан 50 фоизгача етмоқда. Дунёдаги ўртача кўрсаткич эса 11 фоиздан ошмайди. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда Транспорт ва транзит ҳақидаги битимни ишлаб чиқиш, Хитой, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари бозорларига чиқиш учун самарали транспорт коридорларини ривожлантириш тақдирларини киритди.

Ўзбекистон Президентининг шу ва бошқа ташаббуслари эксперт доираларда кучли акс садо берди. Масалан, Париж Геоисёсат академияси президенти Али Расбтин фикрича, инфраструктурани такомиллаштириш мамлакатларнинг Марказий Осиё транспорт-коммуникация боғлиқлиги бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга ҳамда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари жуда катта минтақавий қизиқиш уйғотди, — дейди “Интеллект Орда” халқаро ижтимоий-гуманитар тадқиқотлар интеграцияси институти директори, қозғистонлик академик Саттор Маждидов. — Ўзбекистон давлат раҳбарининг Марказий Осиёда ҳамкорликни янгича мазмун билан бойитиш борасида киритган тақдирларини Душанбедаги учрашувнинг асосий лейтмотивларидан бири бўлди.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида мунтазамлик касб этган сиёсий мулоқотлар, парламентлараро таҳриба алмашув, ҳамкорлик учун янги платформалар кейинги йилларда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда, деб ҳисоблайди эксперт. Улардан асосийси — Марказий Осиёда барқарорлик ва бирдамликни мустақамлаш. Аслини олганда, минтақа Буюк Ипак йўли гуллаб-яш

“Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёнинг сиёсий харитасини тубдан ўзгаришига бел боғлади. Тарихан қисқа мuddат ичида Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиёда минтақавий барқарорлик ва ҳамкорликни мустақамлаш масаласида етакчи ислохотчи мақомига эга бўлди. Унинг ташаббуси билан давлат чегаралари, транспорт йўлаклари ва сувдан фойдаланиш масалаларига боғлиқ бўлган кўп йиллик ихтилофларни бартараф қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Бу эса, минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилляпти. Натихада савдо ҳамжи сезиларли даражада ошди, қўшма корхоналар сони бир неча баробарга кўпайди. Бундай ёндашув Марказий Осиёни Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасидаги иқтисодий тараққиёт ҳамда транспорт алоқаси марказига айлантирди.”

наган даврдаги транспорт-логистика хаби бўлган тарихий мақомини яна ўзига қайтариб ола бошлади.

МУСТАҚИЛ СУБЪЕКТ МАҚОМИДА

Марказий Осиё бўйича россиялик эксперт Аркадий Дубон ёзнинг сўнги ойда таъкидлаган эдики, минтақа изчиллик билан ўзининг жаҳон сиёсатида мустақил субъект сифатидаги мақомини қўлга киритмоқда.

Ҳа, эксперт ўз билими ва тажрибасига таянган ҳолда келгусидаги воқеалар ривожини башорат қилмаса, у эксперт эмас. Орадан икки ҳафта ўтиб, Марказий Осиё ўзининг бой тарихий мероси ва маданиятлар хилмахиллиги билан глобал ҳамжамият ва дунё давлатлари эътибори марказида бўлди — у ҳам бўлса, Ўзбекистон Президентининг “бешлик”ни интеграция қилиш бўйича ташаббуслари туфайли. Деярли 80 миллионлик аҳолиси бўлган минтақада ҳамкорлик режаларини амалга ошириш учун тақлиф этилган гоғлар барқарор тараққиёт сари ҳамкамда бўлиб, саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни тақозо қилади. Бундан ташқари, жаҳон саҳнида ўзини ягона субъект сифатида намойиш этган Марказий Осиёнинг обрўсини ва геоисёсий саломини сезиларли даражада оширади.

Ана шу омиллар туфайли дунёдаги йирик давлатлар ҳам ўзининг минтақа билан муносабатларидаги аввалги форматини ўзгариштириш ва унга вакилликнинг янада юқори даражаси сифатида янги формула — “5+1”ни таъналади. Масалан, “АҚШ — Марказий Осиё” деган кўп томонлама мулоқотини олайлик. Илгари, ташкил топганидан буён ўтган саккиз йил давомида бу форматдаги мулоқот ташқи ишлар вазирликлари даражасида ўтказилган бўлса, энди илк бора президентлар даражасида ташкил этилди.

Давлатлар раҳбарлари ташқи сиёсат, минтақавий савдонинг ривожлантириш, транспорт ва энергетика алоқалари, бизнес-иқлимни яхшилаш, экологик таҳдидлар ва экстремизмга қарши курашиш, гуманитар алоқаларни мустақамлаш каби долзарб масалалар бўйича фикр алмашдилар. Моҳиятига қўра, мазкур учрашув АҚШ Президенти Жозеф Байденнинг бешта Марказий Осиё давлати раҳбарлари билан шахсан танишиши учун қулай имконият бўлди. Унда Қўшма Штатлар минтақада хавфсизликни таъминлаш учун молиявий кўмакни кўпайтириши, хусусий сектор ва иқтисодий алоқаларни мустақамлаш бўйича бизнес-платформа ташкил этиши, шунингдек, узоқ мuddатли энергетика хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим қазилма бойликлар соҳасида ҳамкорлик қилиши ҳақида сўз борди. Жозеф Байден давлат раҳбарларининг “5+1” форматидида

кейинги учрашуви “бешлик” мамлакатларининг бирида бўлиб ўтишини хабар қилди. Бу эса унинг минтақага илк ташрифини амалга ошириш ҳақидаги режасидир.

Экспертларнинг геоисёсий башоратлашига иқтисослаштирилган наشر бўлмиш “Geopolitic Futures” ўз порталида хабар беришича, АҚШ ўзининг Марказий Осиёга муносабатини анча ўзгариштирмоқда.

Нашрда ёзилганидек, Еврооисёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистон — бу Марказий Осиёдаги қолган тўрт давлат билан ҳам умумий чегарага эга бўлган мамлакат. Нуфузи 36 миллион бўлгани учун у аҳоли сони бўйича минтақадаги энг йирик давлат ҳисобланади. Келгуси йилларда аҳоли янада тезроқ ўсиши кутилмоқда.

Портал таҳлилчиларининг фикрича, Ўзбекистон минтақадаги диққатни тортувчи марказ сифатида АҚШнинг Марказий Осиёдаги ролини кенгайтириш учун платформа бўла олади. Шундай қилиб, мамлакат самарали америкача стратегиянинг Марказий Осиёдаги асосий компоненти бўлиши кутилмоқда.

Қисқа мuddат ўтган, минтақа давлатларининг раҳбарларини энди Берлинда кутиб олишди. Вужудга келган анъанадан четда қолишни истамаган Германия “Марказий Осиё — Германия” форматидида биринчи саммитни ташкил этди.

“Бешлик” республикаларининг раҳбарлари аввал Германиянинг Федерал президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан учрашди. Кейин эса, Федерал канцлер Олаф Шольц билан мулоқот давомида томонлар ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишди.

Саммит ўтказилган кунларда немис таҳлилчилари ва оммавий ахборот воситалари Марказий Осиё давлатлари геоисёсий нукта назардан муҳим эканлиги ҳамда дунё мамлакатлари билан ҳамкорликни фаол ривожлантириш бораётганини қайд этишди. Бунда Германия авваллари

нинг инсонпарварлик тамойиллари-га асосланган ислохотлари натижасида мамлакат ўз ички сиёсатида демократик йўл тутди, ташқи сиёсатда эса очикликка интилди, — деб ҳисоблайди мақола муаллифи Юрген Пауль. — Ўзбекистоннинг иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсмоқда, яъни 2022 йилда 5,7 фоизга ортди. Яқинда БМТ томонидан ўтказилган, инновацион фаол мамлакатларни аниқлаш бўйича тадқиқотда Ўзбекистон инновацион салоҳият нукта назаридан асосий ривожланган мамлакатлар қаторига киритилди. Ва у халқаро савдо-иқтисодий алоқаларини янада кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ана шундай сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган курсни бутун Марказий Осиёга жорий этар экан, уни икки томонлама форматда ҳам рўйбга чиқармоқда.

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Доҳага давлат ташрифи доирасида Қатар давлати Амири шайх Тамим бин Хамад Ол Соний билан музокаралар бўлиб ўтди, унда икки мамлакат ҳамкорлигини янада юқори — стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг шу кунларда бўлиб ўтган Москвага расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин музокаралар натижаси бўлган Кенг қўламли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштириш тўғрисида қўшма баёнотни қабул қилдилар.

“Тошкент Россиянинг Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкорига айланмоқда”, деб ёзади Юрий Сигов “Московский комсомолец” газетасида чоп этилган мақоласида. Унда кейинги бир неча йил ичида икки томонлама муносабатлар қандай ривожлангани таҳлил қилинган бўлиб, ушбу муносабатлар келгусида ҳам мустақамлаш, ривожланиб боришига ишонч уйғотувчи бир неча муҳим жиҳатлар келтириб ўтилган. Улар қаторида — Ўзбекистон томонидан мустақил ташқи сиёсат юритилиши, икки томонлама алоқаларнинг салоҳияти, айниқса, иқтисодиёт, сайёҳлик, таълим, ҳамкорликнинг минтақавий ва бошқа жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Муаллифнинг фикрига қўра, аҳолиси бўйича Марказий Осиёда энг йи-

Осиёда ҳамкорлик ва барқарорликнинг муҳимлигини яна бир бор таъкидлади. Минтақа иқтисодий ривожланиш марказига, дунёнинг турли ҳудудларини боғлайдиган транспорт-коммуникация кўпригига айлиниб бораётганини айтиб ўтди. Ўзбекистон бундан буён ҳам Марказий Осиёда яхши қўшничилик, барқарорлик, ўзаро ҳамкорлик ва ривожланиш муҳитини мустақамлаш йўлидан қатъий боришини қайд этди.

Хиндистоннинг “The Economic Times” наشري халқаро шарҳловчиси Дипанджан Рой Чаудхури ёзганидек, Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқида ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат, инсон манфаатларига мос давлат барпо этишга содиқлигини таъкидлади.

Бунда Президент дунёда кескин экологик вазият кузатилиб, унча инқироз, яъни иқлим ўзгариши, биохимлаҳиллик йўқолиши ва атроф-муҳит флосланшиши кучайиб бораётганини, Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари олдида энг заиф минтақалардан бирига айланаётганини кўрсатиб ўтди. Шу боис экология муаммоларини ҳал қилиш учун махсус механизм ва платформаларни яратиш ва фаолиятини қўлаб-қувватлаш лозимлигини, буни эса ҳамкорликда, мулоқот асосида амалга ошириш кераклигини айтди.

Афғонистон тақдирини кун тартибидан тушмаслиги керак. Президент бу гал ҳам экстремизм тарқалишига, ёшларнинг радикаллашувига йўл қўймайлик учун биргаликдаги ҳаракатларни фаоллаштириш масаласига тўхталиб ўтди. Ушбу мамлакатда янги вазият вужудга келган бўлиб, у афғон масаласини ҳал этишда ўзига хос ёндашувларни талаб қилмоқда. Президентимиз афғон халқи-га инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни суъастирмаслик лозим, деган фикрни билдирди. БМТнинг юксак минбаридан туриб дунё ҳамжамиятини Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлида бирлашишга ва бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистон бўйича биргаликда ишлаб чиқилган, вазиятга мослашувчан ва конструктив позицияни белгилашга қаратди.

“Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида сўзлаган нутқи шиддатли ва кучли ташаббусларга бой бўлди, экологик ҳусусиятдаги муаммоларни ечишдан тортиб таълим,



рик давлат бўлган Ўзбекистон ўзининг барча қўшилари учун бирлаштирувчи куч вазифасини бажаради. Шу билан бирга, ўзининг мустақил ташқи сиёсатини юритишга содиқлигини сақлаб қолади.

ЎЗБЕКОНА ТРЕНД

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясидаги нутқи Ўзбекистоннинг ва бутун минтақанинг глобал миқёсда мустақамлашнинг сўнги йиллардаги прагматик ташқи сиёсат курсидаги муҳим, ўзига хос воқеалик, босқич бўлди.

Кўпгина таҳлилчилар эътироф этганидек, давлатимиз раҳбари ўз нутқи билан нафақат ислохотчи Президент эканини мустақамлади, балки ўзи ҳақида глобал мақсадлар йўлидаги ҳамкорлик тарафдори, деб айтишларига ундади.

Президентимиз жаҳондаги бош минбардан туриб Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ҳақида батафсил маълумот берар экан, Марказий

гендер тенглиги, диний бағрикенглик мавзуларига бўлган ижтимоий масалаларни қамраб олди, — деб қайд этди Сан-Пабло университети қошидаги Гуманитар тадқиқотлар институти профессори Антонио Алонсо. — Ўзбекистон етакчисининг тақдирлари ўз муҳимлиги даражаси бўйича фақат минтақавий ёки миллий даража билан чекланмайди, балки глобал ҳусусиятга эга”.

Марказий Осиё тадқиқотчиси Ўзбекистон раҳбарининг нутқи ҳақида фикр билдирар экан, “Ўзбеконатренд” деган атамани ишлатди. “Нутқнинг асосий жиҳатлари Президент томонидан кейинги бир неча йилда халқаро минбарлардан туриб айрилган ташаббусларининг мантиқий давоми бўлди. Ўзбекистон етакчиси ҳақори ҳамжамиятининг эътиборини доимо жиддий таҳдид ва хатарларга қаратади, уларга нисбатан чекиштириб бўлмайдиган чоралар кўришга чакирлади. Бундай ёндашув замонавий дунёдаги глобал ва устувор ва-зифалар, анъаналарни чуқур тушунишдан дарак беради”, деди тадқиқотчи.

Ўзбекистон Президенти ташаббуслари туфайли Марказий Осиё фаол ислохотлар ва ҳамкорликни мустақамлаш майдонига айланди. Шавкат Мирзиёевнинг минтақадаги эски келишмовчиликларни бартараф этишга, “бешлик” мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга, бой маданий меросга эга халқларни деярли 80 миллионлик аҳолиси бўлган минтақани барқарор ривожлантириш мақсади атрофида бирлаштиришга хизмат қилади. Бу саъй-ҳаракатлар эса Марказий Осиёга геоисёсий қудрат бахш этиб, дунё давлатларининг эътиборини ўзига қаратади, минтақа глобал миқёсда дадил ҳаракат қилишига имкон яратади.

МУЗАФФАР СПОРТЧИЛАРИМИЗ ЭЛУ ЮРТИМИЗ АРДОҒИДА

Кизгин беллашуларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Баҳодир Жалолов, Жалғасбай Бердимуратов, Улуғбек Рашитов, Хасанбой Дўсमत, Абдумалик Халаков, Дияра Келдиёрова, Тамина Икромова, Севинч Раҳимова, Вилана Савадян, Эвелина Аталяц, Шарифа Давронова, Сафина Садуллаева, Музаффар Тўрабоев, Олга Забелинская, Шохмурод Холмуродов, Нурислом Тўхтасин ўғли, Умид Эсонов, Артём Штурбабин, Ҳилола Ортиқбоева, Мухсин Хисомиддинов, Зайнаб Дайибекова, Плиего Лара Мария Паола, Херрера Лара Луиза Фернанда, Гулистон Пердебаева, Анна Практен, Шехроз Ҳақимов, Дилшоджон Худойбердиев, Давиржон Давронов, Алишер Турдиев, Муроджон Йўлдошев ва бошқа спортчиларимиз юксак истеъдод ва маҳорат соҳиби эканини намоян эътишди.



Улкан салоҳиятга эга эканини яна бир қарра намоян этди, ёшларимиз мардлик ва жасорат бойида улуғ зотларнинг муносиб воясислар эканини исботлади, халқимизнинг, Президентимизнинг ишончини оқлади.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О. Абдурахмонов иштирок этди.

«Халқ сўзи».

Акмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

Ўғил-қизларимизнинг ханчжоудаги муваффақияти «GLOBAL TIMES» нигоҳида

Хитойнинг кундалик инглиз тилида нашр қилинадиган етакчи «Global Times» газетасида «Мамлакатда олиб борилаётган спорт сиёсати туфайли Ўзбекистон Ханчжоуда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида кучли 5 та давлат қаторига кирди» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Эътироф

«Ханчжоудаги Осиё ўйинлари иштирокчиларнинг ёрқин ва таъсирчан галабаларига бой бўлди, — деб ёзади нашр муҳбири. — Улар орасида Ўзбекистон терма жамоаси 22 та олтин, 18 та кумуш ва 31 та бронза, жами 71 медални қўлга киритиб, Осиёнинг кучли 5 давлати қаторидан жой олди».

«Global Times»да ёзишларича, сўнгги йилларда Ўзбекистон спортчилари — шахматчилар, боксчилар, дзюдочилар, оғир атлетикачилар мамлакат нуфузини мустаҳкамламоқда. Ханчжоуда бўлиб ўтган ёзи Осиё ўйинларида томошабинлар бокс, таэквондо, енгил атлетика, қиличбозлик, эшак эшиш ва бошқа спорт турлари бўйича ўзбек спортчиларининг ёрқин иштирокига гувоҳ бўлди.

«Қузатувчилар бу мамлакатда

спорт ривожининг натижаси эканини таъкидлади. Ўзбекистонда профессионал спортчилар, мураббийлар, тиббиёт ходимлари ва ҳакамлар тайёрлашнинг самарали тизими яратилган, — дейилади мақолада. — Мазкур мақсадларнинг амалга оширилиши соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, ҳар томонлама баркамол ёшларни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда».

Мақолада 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари белгилаб берилгани қайд этилган. Унга кўра 2022 йилда Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга йўналтирилган ҳаратлар 2017 йилдагига нисбатан беш баравар ошган.

Нашрда мамлакатда кейинги йилларда 118 та йирик спорт ин-

шооти фойдаланишга топширилгани, яна 110 та иншоот реконструкция қилингани таъкидланган. Спорт инфратузилмаси туфайли Ўзбекистон йирик халқаро мусобақалар, жумладан, бокс, таэквондо, эркин кураш, қиличбозлик ва бошқа спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари ўтказиладиган жойга айланди. Ҳозир мамлакатда 2025 йилда бўлиб ўтадиган ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларига тайёргарлик кўрилмақда.

«Ўзбекистонда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб қилиниб, оммавий спорт тадбирлари ўтказилмоқда. Ўзбекистонлик спортчиларнинг нуфузли халқаро мусобақаларда, жумладан, Ханчжоудаги Осиё ўйинларида галлаб қозонгани мамлакат юксак спорт салоҳиятининг намойишидир. Ханчжоуда ўзбек атлетлари эришган натижалар Ўзбекистонни жаҳон жамоатчилигига спорт жадал ривожлантирган давлат сифатида яққол намоян этди», дейилади мақола хулосасида.

«Дунё» АА. Пекин

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК — МУНОСИБ МЕҲНАТ ГАРОВИ

Бу, ўз навбатида, муносиб меҳнатни таъминлашда ижтимоий шерикликнинг ролини оширади.

Муносиб меҳнат нафақат ижтимоий адолат тамойилларини, балки иқтисодийнинг барқарор ўсиши ва ривожланишини, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади. Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси таҳлилларига кўра сўнгги 40 йил ичида жаҳон иқтисодиётининг ҳажми тўрт баравар кўпайган бир пайтда глобал бойликнинг иш ҳақига сарфлангани улуғлиги 13 фоизга камайган.

Ўзбекистонда иш ҳақини ошириб бориш динамикасига назар ташласак, 2015 йилда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 130 минг 240 сўм бўлганини, бу миқдор 2023 йил 1 майдан 980 минг сўм қилиб белгилангани, яъни шу давр мобайнида иш ҳақи 7,5 баравар оширилганини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Хукумати, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида имзоланган Бош жамоа келишуви, шунингдек, тармоқ ҳамда худудий жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларга муносиб иш ҳақи тўлишини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмақда.

Хусусан, 2023 — 2025 йиллар учун имзоланган Бош жамоа келишувида мазкур келишув амал қилиши даврида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, яъни ички маҳсулот таркибиде меҳнат ҳақи улушини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга доир чоралар кўриш масаласи киритилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йил 1 апрель ҳолатида республика бўйича 19915 та корхона ҳамда ташкилотда жамоа шартномалари асосида ягона тариф сеткасида белгиланган разрядлар коэффициентлари кўтарилган бўлиб, шу орқали 900 мингга яқин ходимларнинг иш ҳақи оширилишига эришилган. Бу эса жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган жами ходимларнинг салкам 20 фоизини ташкил этади.

Касаба уюшмалари томонидан иш ҳақининг ўз вақтида тўлиниши юзасидан ҳам жамоатчилик назорати олиб борилмақда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида иш ҳақидан мuddати ўтган қардорликни ундириш мақсадида касаба уюшмалари органлари томонидан иш берувчиларга ва тегишли идораларга мурожаат қилиниб, ходимларга 21 млрд. сўмдан ортиқ ўз вақтида тўланмаган иш ҳақи ундириб берилди.

Семинарда, шунингдек, Халқаро меҳнат конференциясининг 111-сессияси ақунлари, Муносиб меҳнат тамойилларини илгари суришда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг ўрни, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси назорат-таҳлил фаолияти, пахтачиликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик юзасидан Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилаётган миллий мониторинг хусусида ҳам сўз борди.

Пахта теримчилари учун яратилган меҳнат ва дам олиш шароитлари ҳамда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича ўтказиладиган миллий мониторинг жараёнлари тўғрисидаги видеорепортажлар намойиш этилди.

Яқунда Муносиб меҳнат концепциясига таянувчи тўртта муҳим мақсад, жумладан, бандлик ва даромад олиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимоя тизимларини такомиллаштириш, мулоқотни мустаҳкамлаш йўналишларида ижтимоий шериклик асосида амалга оширилиши лозим бўлган галдаги вазифалар таҳлил қилинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Матбуот хизмати раҳбари.

15 октябрь — Халқаро қишлоқ аёллари куни ЭЛДА АЗИЗ ВА МЎЪТАБАР

Тонг билан бирга уйғонган Юлдуз опа юз-қўлини ювиб, тандирга олов қалашга тутинди. Фарзандлари, айниқса, ўғли Баҳром онаизор ёлган иссиқ хонга ўрганган. «Узимиз етиштирган бугдойники бошқача-да, барибир» дейди у. Ховлини қип-қизариб пишган бўрсилдоқ нонларнинг бетакорор иси тугган паллада хонадон соҳибаси ишга отилиб улгурган эди.

Тезроқ далага етиб бормаса бўлмайд — далада пахта терими кизгин давом этаётди. Фермер хўжалиги аёзларига, теримчиларга дошқозонда тўй оши қилиб бераман, деган. Уларга мўлжаллаган совга-саломларини ҳам шийпонга етказиб керак.

Аслида, тadbirkor аёлнинг шомаган кўни йўқ. Боиси кўп тармоқли каттагина фермер хўжалиги бошқаруви, жамоатчилик ишлари, бир томонда қариндош-уруғчилик ришталари, дегандай, барчасига улгуриш керак.

Вақтни тўғри тақсимлашни раҳматли отаси Саримқоқ акадан ўрганган. Фермерликни ҳам ана шу уста дехқон изидан бориб танлади. Бунга ҳам етти йилдан ошди. Чекига Сирдарё бўйидаги қаровсизлик туфайли ишдан чиқаёган ерлар тушган эди. Эпакага келтиргунча қаттиқ ишлашга тўғри келди. Тош ва ажриқлар эринмай териб чиқилди, машина-машина маҳаллий ўғит ташланди.

Астойдил қилинган меҳнат зое кетмади. Уч йил ичида пахта ҳосилдорлиги 29, галлини 50 центнерга етди. Сарфланган сармоа ўрни тўлиб, хўжалик фойдага кирди.

Бугун «Ёқубжон саховати» фермер хўжалиги тасарруфиде пахта ҳамда бугдой етиштириладиган 96 гектар экинзор мавжуд. Орада чорвачилик, асаларчилик ҳам қўшилди. Ишловчилар сони юз нафардан кўпроқ, асосий қисми эса аёллар. Юлдузхон уларни ўзи яшаётган, шунингдек, қўшни

маҳаллалардаги ишсиз хотин-қизлардан жамлаган.

Кўп тармоқлига айлантирилгандан сўнг хўжаликнинг молиявий имкониятлари янада мустаҳкамланди. Масалан, бултур 1 млрд. 250 млн. сўмдан зиёд даромад кўтарилиб, 600 млн. сўм соф фойда олинди.

«Кўл узайиши хайли ишларга йўл очди», деганларидек, Шовон маҳалласида хусусий боғча фаолияти йўлга қўйилди. «Ақли» деб номланган ушбу мактабгача таълим ташкилотига бугун юз нафар бола тарбиялантипти.

Дарвоқе, маҳалла аҳли бу масалани халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Юлдузхон Каримова зиммасига қўйганди.

— Фермер аёл барча ишни астойдил бажаради, — дейди «Шовон» МФЙ раиси Маъмуржон Имомов. — Хусусан, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий ҳиммага муҳтож оилаларга кўмак бериш, хотин-қизлар фаоллигини оширишдаги жонбозлигидан гоёт хурсандимиз. Дориҳона, иссиқ нон чеки, болалар боғчаси қуриб берганидан сўнг маҳалламиздаги элликка яқин аёллар доимий меҳнат ўрнига эга бўлди. 11-умумтаълим мактаби таъмири, қишлоқ қабристонини ободонлаштириш, бир қатор эҳтиёжманд хонадонлар турархўй шароитларини яхшилаш сингари хайрли юмушларда бош-қош бўлиб турганидан кўпчилик мамнун.

Аёл киши, аввало, она. Унинг учун

фарзанд тарбияси, дилбандларини комил инсон қилиб ўстириш ҳам борки, бу янада масъулияти. Бор меҳрини уч фарзандига бахшида этган Юлдузхон болаларидан кўнгли тўқ. Тўнғичи, иқтисодчи мутахассислигини эгаллаган Баҳром фермер хўжалигини юритишда онасининг суянган тоғи. Гўлборч — тижоратчи. Кенжаси Гуллола олийгоҳни тугаллаш арафасида.

— Қишлоқ аёли, бугун унинг жамият ҳаётидаги иштироки шаҳардаги дугоналариникидан асло кам эмас, — дейди Юлдузхон Каримова. — Турмуш даражаси ҳам яхшиланиб борапти. Шунинг ўзи етарлими? Мен қишлоқда истиқомат қилаётган онахонлар, опа-сингил ва дугоналарим қадрини янада кўтариш, уларнинг меҳнатга яраша муносиб маданий ҳордиқ чиқаришига устувор эътибор қаратиш керак, деб ўйлайман. Бу йўналишда хали қиладиган ишларимиз янаям кўп.

Оилавий ҳаётнинг удасидан чиқиб баробарида, тadbirkorликни ўрнига қўйиб, жамоатчиликнинг фаол аъзоси бўлиш — буларнинг барчаси бирдай мукассам бўлган аёлни, айниқса, у қишлоқда яшаса, ҳар қанча эъзозласа арзийди.

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги «Катта Қурама» маҳалла фуқаролар йиғини худудиде яшовчи фуқаролар эллик олти ёшли Юлдуз Каримовага хайрхоҳлиги, уни эъзозлашининг сабаби ҳам шунда. Унга берилган «Мўътабар аёл», «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси» кўрақ нишонлари эса меҳнатнинг муносиб эътифори. Зеро, айна тоифадаги инсонлар ибрати билан юрт обод, турмуш фаровон, миллат шаъни улғудир.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ:

МИЛЛИЙ ВА ГЛОБАЛ МУАММОЛАР

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишловчиларнинг янги босқичида янги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим соҳаларидан бири — қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, ички бозорни зарур истеъмол товарлари билан тўлдириб бериш борасида илҳом қилиш ҳақиқатлар олиб борилди.

Хусусан, 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони юртимиз бозорларини сифатли, арзон ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириб, соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2022 йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, ташкилотга аъзо мамлакатлар салоҳияти ички бозорларни бошқоқ экинлар, чорвачилик ва мевасабзавот маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари ҳамда зарур

ўғитлар билан мунтазам таъминлаш имконини беришини, шу боис озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш зарурлиги, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва қайта ишлаш дастурларига, тўғридан-тўғри ўзаро таъминотнинг мувофиқлаштирилган схемаларини шакллантиришга, айна чорда, самарали логистика, «яшил» ва экспресс-йўлақларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ҳар қачонгидан долзарб. Шу боис дунё мамлакатлари қатори юртимизда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш орқали аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга катта эътибор қаратилаётди. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида икки йўналишда, яъни қишлоқ аҳолиси томонидан майдонларини кенгайтириш ҳамда экин майдонларини ажратиб бериш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Айни чоғда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи бўйича жаҳоннинг турли худудларида илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган олимлар томонидан тўпланган тажрибалардан хулоса қилиб, бу борада қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсада мувофиқ:

— барча ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги ташкилотлар учун худудий озиқ-овқат бозорларига кириш ҳамда тенг рақобат муҳитини таъминлаш;

— озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги даражаси пасайишнинг олдини олиш ва янада ривожлантириш чораларини излаш;

— озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қўйилган вазифаларнинг аҳамиятини тушуниш ва уни хал элти учун саёй-ҳарақатларни кучайтириш;

— катта миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш қувватига эга бўлган омборларни янада кўпайтириш.

Бу орқали ҳар йили мевасабзавот ва полиз маҳсулотларининг асосий турларини сақлаб, ички бозордаги нарх-навоини барқарор ушлаб туриш ва куз-қиш мавсумида бу маҳсулотлардан аҳоли эҳтиёжини қондириш асосий масала ҳисобланади.

Умуман олганда, барча давлат ва халқлар учун сифатли озиқ-овқат таъминоти энг муҳим жиҳатлардан бири. Глобаллашув жараёнида дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини тўғри танлаш ва амал-

дан хулоса қилиб, бу борада қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсада мувофиқ:

— барча ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги ташкилотлар учун худудий озиқ-овқат бозорларига кириш ҳамда тенг рақобат муҳитини таъминлаш;

— озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги даражаси пасайишнинг олдини олиш ва янада ривожлантириш чораларини излаш;

— озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қўйилган вазифаларнинг аҳамиятини тушуниш ва уни хал элти учун саёй-ҳарақатларни кучайтириш;

— катта миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш қувватига эга бўлган омборларни янада кўпайтириш.

Бу орқали ҳар йили мевасабзавот ва полиз маҳсулотларининг асосий турларини сақлаб, ички бозордаги нарх-навоини барқарор ушлаб туриш ва куз-қиш мавсумида бу маҳсулотлардан аҳоли эҳтиёжини қондириш асосий масала ҳисобланади.

Умуман олганда, барча давлат ва халқлар учун сифатли озиқ-овқат таъминоти энг муҳим жиҳатлардан бири. Глобаллашув жараёнида дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини тўғри танлаш ва амал-



да қўллаш муаммоси долзарб ва муҳим масалага айланаётди. Шу боис ҳам Самарқанд давлат университетиде дунёнинг номдор олимлари билан ҳамкорликда «Озиқ-овқат хавфсизлиги: миллий ва глобал муаммолар» мавзусида халқаро илмий анжуман анъанавий тарзда ўтказиб келиняпти.

Жорий йил бешинчи марта бўлиб ўтадиган анжуман соҳада фаолият олиб борадиган нуфузли ташкилотлар ва жаҳоннинг 20 дан ортиқ давлатларидан олимлар, экспертлар, инвесторлар, мутахассисларнинг ўзаро таъриба ва фикр алмашиш ҳамда истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишга қаратилганлиги билан гоёт аҳамиятлидир.

V халқаро илмий-амалий анжуманда Ўзбекистон ва жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш концепциясини амалга ошириш-

нинг муҳим жиҳатлари ва муаммолар, стресс омиллар таъсиридаги ноқулай минтақаларда табиий ресурслардан барқарор фойдаланишнинг устувор йўналишлари, замонавий био ва агротехнологияларни қўллашнинг аҳамияти каби долзарб масалалар муҳокама этилади. Шу билан бирга, дунёнинг турли минтақаларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари конференция иштирокчиларининг диққат марказида бўлади.

Сирожиiddин ҲОҚИМОВ,
Шароф Рашидов нуқовиди
Самарқанд давлат
университетининг
Биокимё институти директори,
профессор,
Абдурашид ЖАББОРОВ,
ушбу институт профессори.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурлидаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1041. 32 669 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

Таҳририятга келган қўёмалар таъриқ қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термил ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буоқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.52 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6